

ҒУЛОМОВ Абдулло

“Саййид Муҳйиддин маҳдум” ўрта махсус  
ислом билим юрти мударриси,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

муствақил тадқиқотчиси

abulfotih1991@gmail.com

## МАХМУД ИБН ЗАЙД ЛОМИШИЙНИНГ “ТАМХИД” АСАРИДА ҲУКМИЙ ОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

### АНАЛИЗ ПРАВОВЫХ АЯТОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “ТАМХИД” МАХМУДА ИБН ЗАЙДА ЛАМИШИ

#### ANALYSIS OF THE LEGAL AYATS IN THE WORK “TAMHID” OF MAHMUD IBN ZAYD LAMISHIY

**Аннотация:** Маҳмуд ибн Зайд Ломиший ҳижрий V аср охири-VI аср бошида Самарқандда фаолият юритган ҳанафий-мотуридий олим ҳисобланади. Олимнинг калом илмига оид “Тамҳид” асари машҳур. Мазкур мақолада ҳанафий-мотуридий йўналишининг гуноҳи кабира қилган мусулмон ҳукми борасидаги қарашлари акс этган.

**Калит сўзлар:** Ломиший, калом илми, ҳанафий-мотуридий, гуноҳи кабира, хорижийлар, Тамҳид.

**Аннотация:** Махмуд ибн Зайд Ламиши – ханафитско-матуридистский ученый, который вел научную деятельность в Самарканде в конце V - начале VI веков хиджры. Труд ученого по богословию «Тамхид» известен в исламском мире. В данной статье отражены взгляды ученых ханафитско-матуридистского направления по вопросу предписания мусульманина, совершившего больших грехов.

**Ключевые слова:** Ламиши, наука калам, ханафитско-матуридистское направление, хариджиты, большой грех, Тамхид.

**Abstract:** Mahmud b. Zayd al-Lâmishi, lived in Samarkand at the end of the 5th century and at the beginning of the 6th century (AH), a member of Hanafi-Mâturidi tradition was a theologian and jurist. The scholar's work on theology “Tamhid” is famous. This article reflects the views of the Hanafi-Moturidiyya sect on the sinful ruling of the Muslims.

**Key Words:** Lâmishi, Hanafi-Mâturidî, theologian and Jurist, method of law, kharijis, great sin, Tamhid.

## КИРИШ

Ер юзининг кўплаб минтакаларида амалга оширилаётган хунрезликларни ислом дини билан боғлаш, мусулмоннинг бошқа бир мусулмон биродари конини тўкиши жоизлигига “фатво” бераётганлар кўпайиб кетаётган бугунги кунимизда ақида илмини, юртимизда асрлар оша амал қилиб келинаётган мотуридия таълимотини халқимиз оммасига етказиш, ажодларимизнинг бизгача етиб келган, ҳали хануз ўз долзарблигини йўқотмаган мазкур илмга оид меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳмуд Ломишийнинг “ат-Тамҳид ли қаваид ат-тавҳид” асари бу борада муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунончи, мазкур асарда ҳар қандай даврда учраши мумкин бўлган, тўғри йўлдан адашган фирқа ва гуруҳларнинг қарашларига раддиялар, шунингдек, ислом дини таълимотида муҳим ўрин эгаллайдиган ақидавий масалалар Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар, шу билан бирга мотуридия таълимотининг олимдан олдин ўтган вакиллари фикрлари ва ақлий-мантикий далиллар билан асослаб берилган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Гуноҳи кабира қилган мусулмоннинг имони борасидаги масала тарихда хорижий, мўтазила каби тоифалар томонидан нотўғри талкин қилинган бўлса, бугунги кунда айрим экстремистик оқимлар томонидан мазкур иш “мусулмонларни кофирга чиқариш” тарзида давом эттирилмоқда.

Муаллиф аҳли суннанинг бу борадаги қарашларини қуйидагича изоҳлайди: “Аҳли сунна айтадики, имон аҳлидан кимки гуноҳи кабира қилса ва ўша гуноҳини ҳалол санаб, ундан қайтарган Зотни менсимасдан ёки исён мақсадида қилса, у Аллоҳ таолога куфр келтирган бўлади.

Агар ўша гуноҳни ё хоҳиш-истаги қолиб келиб, ё дангасалик қилиб, ё ғазабдан, ё жаҳл қилиб, ё ғурури сабабли қилган бўлса, Аллоҳ уни ўша гуноҳи учун азоблашидан қўрқса, Унинг раҳмат ва мағфиратидан умид қилса, у “гуноҳкор мўмин” деб аталади” [1:176].

Юқоридаги фикрдан шу нарса маълум бўладики, аҳли сунна гуноҳи кабира қилган мўминни ўша заҳоти “диндан чиққан” деб эълон

қилмайди, балки ўша гуноҳни қандай эътикод билан содир этганини эътиборга олади ва шунга кўра уларни икки тоифага ажратади. Агар гуноҳни ҳалол санаб, гуноҳдан қайтарган Зот – Аллоҳ таолони паст санаб ёки Унга қасддан қарши чиқиш мақсадида қилса, кофир бўлади. Хошиш-истаги ғолиб келиб гуноҳ қилса, лекин Яратган уни ўша гуноҳи учун азоблашидан кўрқса ва Унинг раҳматидан умид қилса, диндан чиқмайди, балки катта гуноҳ содир қилган мўмин ҳисобланади.

Гуноҳи кабира қилувчиларнинг иккинчи тоифаси, яъни нафсининг истакларига бўйсуниб гуноҳ содир қилган, гуноҳини эътироф қилган, кечирилишини умид қилганларнинг ҳукми борасида “Тамҳид” асарида қуйидагича фикр билдирилган: “Унинг ҳукми шуки, агар тавба қилса кечирилади, агар тавба қилмасдан олдин вафот этса унинг иши Аллоҳ таолонинг хошишига боғлиқ: хоҳласа Ўз фазли ва раҳмати ёки бандаларидан бўлган пайғамбар ёхуд авлиёнинг шафоати билан кечирилади, хоҳласа гуноҳига яраша жазолайди ва жаннатга киритади” [1:177].

Хорижийлар бу борада аҳли суннага зид фикрни илгари сурган: “Хорижийларнинг аксарияти: “Кимки қасддан катта бўладими, кичик бўладими гуноҳ қилса, у мўмин эмас, балки кофирдир. Унинг ҳукми дўзахда бошқа кофирлар билан абадий қолишдир”, дейди” [1:177].

Мутакаллимнинг таъкидлашича, хорижийлар орасида гуноҳи кабира қилувчини мушрик деб ҳисобловчилар ҳам, катта ва кичик гуноҳ орасини фарқлаб, кичик гуноҳ учун эмас, балки катта гуноҳ туфайли куфрга нисбат бериб, дўзахда абадий қолишга ҳукм қилувчилар ҳам бор.

Тоат-ибодат қилиш ва гуноҳлардан тийилиш каби яхши ишлар хорижийларнинг наздида имоннинг таркибий қисми бўлгани учун юқоридаги гапларни айтганлар, демак кимки гуноҳ қилса имонидан ажралади.

“Тамҳид” асарида келтирилишича, мўтазилалар гуноҳи кабира қилган одам ҳақида қуйидаги қарашларни илгари сурган: “Агар гуноҳ сағира(кичик) бўлса, ўша гуноҳни содир қилувчи мўмин дейилади, унинг ҳукми шуки, агар кабира(катта) гуноҳлардан сақланган бўлса, кичик гуноҳи учун уни жазолаш жоиз бўлмайди. Агар гуноҳи кабира қилган бўлса, у

мўмин ҳам, кофир ҳам эмас, у(гуноҳи кабира) билан имондан чиқади, куфрга кирмайди, унинг ўрни икки манзил(имон ва куфр) ўртасида бўлади. У “фосик” деб аталади, унинг ҳукми эса, агар ўша гуноҳига тавба қилмасдан ўлса, дўзахда абадий қолишдир”, дейишади [2:122].

Мўтазилалар мана шу гаплари учун “мўтазила”(“ажралиб чиққанлар”) деб номланган, чунки инсонлар Восил ибн Ато чиққунича икки тоифа бўлишган, уларнинг бири “мусулмон гуноҳи кабира билан имондан чиқмайди” деб ҳисобловчи аҳли сунна ва “у(гуноҳи кабира) туфайли имондан чиқади ва куфрга киради” деб ҳисобловчи хорижийлар эди. Восил қуйидаги сўзи билан иккала тоифадан ҳам ажралиб чиқди: “у(гуноҳи кабира) туфайли имондан чиқади, лекин куфрга кирмайди”, унга эргашганлар мана шу фикр сабабли “мўтазила”(“ажралиб чиққанлар”) деб аталди [3:142].

Абу Муин Насафийнинг “Баҳрул-калом” асарида олинган қуйидаги иқтибос ҳам юқоридаги фикрни қувватлайди: “Мўтазилийларнинг қарашлари бўйича инсон ўзи содир этган катта гуноҳ орқали имондан чиқади, аммо куфрга кирмайди, яъни кофир бўлмайди” [4:189].

Мазкур мавзу бўйича аҳли суннанинг далиллари қуйидаги оятлардир:

**“Эй имон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун қасос (олиш) фарз қилинди”** (“Бақара” сураси, 178-оят) [5:27];

**“Эй имон келтирганлар! Токи гапираётган гапингизни (ўзингиз) биладиган бўлгунингизгача, маст ҳолларингизда намозга яқинлашмангиз!”** (“Нисо” сураси, 43-оят) [5:85]. Мазкур икки оятда Аллоҳ таоло уларни гуноҳи кабира қилганларидан кейин ҳам мўмин деб атамоқда.

Чунки “имон” сўзи луғатда “тасдиқлаш” маъносини билдиради, гуноҳи кабира қилган инсон эса тасдиқдан мосуво бўлиб қолмайди, чунки у Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳузуридан келтирган барча нарсани тасдиқлайди, бир нарсанинг ҳам мавжуд бўлиб, ҳам йўқ бўлиши имконсиздир.

Мўминнинг дўзахда абадий қолмаслиги собит экан, демак у охир-оқибат жаннатга киради, Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзлари бунга далилдир:

**“Кимки Аллоҳга имон келтирса ва солиҳ амал қилса, (Аллоҳ) уни остидан анҳорлар**

оқиб турадиган, абадий қолинадиган (жаннатдаги) боғларга киритур” (“Талок” сураси, 11-оят) [5:559];

“Кимки у хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл – мўминлик ҳолида савобли ишлар қилса, айнан улар жаннатга кирурлар” (“Нисо” сураси, 124-оят) [5:98];

“Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур” (“Каҳф” сураси, 107-оят) [5:304]. Мазкур шахс мўмин, солиҳ амаллар қилди ва оқибати жаннат бўлади.

Имом Абу Ҳанифанинг имон борасидаги фикрларини умумлаштирган доктор Мустафо Шакъа куйидагиларни ёзади: “Агар мўмин киши катта гуноҳ қилса ва буни ҳалол деб билмаса, уни кофир демаймиз. Ҳамда уни имонсиз деб атамаймиз” [6:111].

Абу Шакур Кешийнинг куйидаги сўзлари ҳам юқоридаги фикрни қувватлайди: “Абу Ҳанифа (рахимаҳуллоҳ) асҳобларидан иборат аҳли сунна вал жамоа айтади: “Катта гуноҳ қилган кишининг қони мубоҳ бўлмайди, имондан чиқмайди ва кофир ҳам бўлмайди. Лекин фосиқ мўминга айланади” [7:279].

“Аҳли сунна вал жамоа ақоиди” асаридан келтирилган куйидаги иқтибосда ҳам юқоридаги маъно таъкидланган: “Катта гуноҳ қилганлар, тавбасиз ўлсалар ҳам, имонлари сабабли афв ва мағфиратга мазҳар бўладилар” [8:151].

Хорижийлар гуноҳи кабира қилган инсонни кофир дейишларига куйидаги оятни далил қилишган: “Кимки Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилса, бас, у аниқ залолат билан йўлдан озибди” (“Аҳзоб” сураси, 36-оят) [5:423], Аллоҳ таоло гуноҳ қилган бандани унинг гуноҳи сағира бўладими, кабирами ажратмасдан “йўлдан озган” деб атамоқда.

Гуноҳ қилган инсоннинг ҳукми дўзахда абадий қолиш эканига куйидаги оятни далил қилишади: “Ким Аллоҳ ва (Унинг) пайғамбарига итоатсизлик қилса ва ҳудудларидан тажовуз қилса, уни дўзахга абадий (қолиши учун) киритур ва унинг учун хор қилувчи азоб (бордир)” (“Нисо” сураси, 14-оят) [5:79].

Абу Муин Насафий мазкур оятни куйидагича тафсир қилади: “Бу оятда Аллоҳ таоло, албатта, кофирларни назарда тутган. Чунки Аллоҳ белгилаб қўйган ҳад(чегара)ларга

инсон фақат куфр орқалигина тажовуз қилиши мумкин” [9:297].

Мўтазилалар гуноҳи кабира қилган инсонни мўмин ёки кофир эмас, балки фосиқ деб аташларини куйидагича изоҳлашади: “Уммат у(гуноҳи кабира қилган инсон)ни “фосиқ” деб номлашга иттифоқ қилган, аҳли сунна уни “фосиқ мўмин” дейди, хорижийлар “кофир” дейди, кофир ҳам фосиқ ҳисобланади.

Биз ҳам уни фосиқ деб атамоқдамиз. Уни мўмин, кофир ёки мунофиқ деб аташда ихтилоф қилишди: аҳли сунна “мўмин”, хорижийлар “кофир”, Ҳасан Басрий эса “мунофиқ” деб номлади, биз улар иттифоқ қилган нарсага эргашиб, ихтилоф қилган нарсаларини тарк этдик” [10:232].

Улар гуноҳи кабира қилган инсоннинг ҳукми борасида Аллоҳ таолонинг куйидаги оятини далил қилишади: “Фосиқ бўлган кимсаларнинг масканлари эса дўзахдир. Ҳар қачон ундан чиқмоқчи бўлсалар, яна унга қайтарилурлар” (“Сажда” сураси, 20-оят) [5:416], гуноҳи сағира қилган инсон бошқа бир оят билан мазкур оят ҳукмидан истисно қилинади: “Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангиз, кичик гуноҳларингизни сизлардан ўчирурмиз ва сизларни роҳатбахш манзил (жаннат)га киритурмиз” (“Нисо” сураси, 31-оят) [5:83], демак гуноҳи кабира соҳиби юқоридаги оят ҳукми остида қолди.

Ломиший аҳли суннага қарши тарафнинг даъволарига жавобан куйидаги фикрларни келтириб ўтган: “Бизнинг далилимиз зикр қилиб ўтганларимиздир, келтирилган оятларда қарши тарафга далил йўқ, чунки итоатсизлик сўзи куфрга ҳам, фиска ҳам ишлатилиши мумкин, кофир бўлмаган инсон бир жиҳатдан осий, бир жиҳатдан эса итоатли бўлади: дини ман қилган ишни қилгани учун осий, Аллоҳ таолонинг бирлигига иқрор бўлгани учун итоатли ҳисобланади” [1:180].

Шунингдек, у бир жиҳатдан фосиқ, бир жиҳатдан эса итоатли, Роббиси буйруғига бўйсунмай гуноҳ қилгани учун гуноҳкор, Роббисининг Муҳаммад алайҳиссалом ва у зот олиб келган барча нарсани тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига бўйсунгани учун итоатли ҳисобланади, демак “фосиқ” деган сўз уни тўла қамраб ололмайди.

Шунингдек, (уммат) имон ва куфр ўртасида бошқа ҳолат йўқ эканига ижмо қилган, ким улар ўртасида бошқа бирор даража борлигини даъво қилса умматга хилоф қилган бўлади, ижмога зид бўлган нарсани ушлаш эса очик-ойдин билимсизликдир [1:181].

Уларнинг “иттифоқ қилган нарсаларини оламин, ихтилоф қилган нарсаларини тарк этамин” деган гаплари ҳам ботилдир, улар ихтилофни ўзларининг фикрларига зид бўлгани учун тарк қилишган, уммат улар пайдо бўлишдан аввал учта фикрда эди, улар шу уч фикрдан ташқари фикрлар ботиллигига ижмо қилишган эди, улар тўртинчи фикрни пайдо қилишлари билан ижмога хилоф қилишди.

Ломиший гуноҳи кабирага оид маълумотлардан сўнг шафоат масаласига тўхталиб ўтади. Асарда “шафоат” мавзуси алоҳида фасл сифатида эмас, балки гуноҳи кабира қилган мусулмоннинг ҳукмларига оид мавзу таркибида зикр этилади.

Олим шафоат борасида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Биз юқорида келтирган масаладан шафоатни исботлаш масаласи келиб чиқади, чунки бизнинг наздимизда гуноҳи кабира қилган инсон кечирилиши мумкин экан, демак у пайғамбар (с.а.в.)дан ёки улардан бошқа яхши инсонлардан бирининг шафоати билан ҳам мағфират қилиниши мумкин.

Мўтазилалар фикрича гуноҳи кабира соҳиби кечирилиши мумкин эмас, шу сабабли улар шафоатни ҳам тан олмайди.

Улар Пайғамбар алайҳиссаломнинг: **“Шафоатим умматимдан гуноҳи кабира қилганлар учундир”** деган ҳадисларини яхши инсонларга савобнинг зиёда бўлиши маъносида таъвил қилганлар, у зот алайҳиссалом уларни Аллоҳ таоло Ўзи ваъда қилган ажрни зиёда қилиб бериши учун шафоат қилади, Аллоҳ таоло: **“Зеро, (Аллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлини уларга янада зиёда қилур”**, деган (“Фотир” сураси, 30-оят) [5:437]. “Кабира” сўзи улкан ишларга нисбатан ишлатилади, демак уни маъсиятга ҳам, ундан бошқага ҳам ишлатиш мумкин”, дейишган.

Ломиший уларнинг даъволарига қуйидагича жавоб берган: “Биз буни нотўғри таъвил деб ҳисоблаймиз, чунки “кабира” сўзи тилшунослар урфида гуноҳга нисбатан

ишлатилади, юқоридаги таъвилда шарият Соҳибининг оят билан собит қилган ҳукмини йўққа чиқариш бор, бу эса нотўғридир” [1:183].

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Маҳмуд ибн Зайд Ломишийнинг “ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид” асарини тадқиқ этиш мотуридия таълимотининг хижрий V-VI асрдаги ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, олимнинг илмий мероси, хусусан, калом илмига оид “Тамҳид” асарини ўрганиш бугунги кундаги ихтилофларнинг олдини олишда, адашган оқимлар ғояларига илмий асосда раддиялар беришда муҳим манба ҳисобланади.

## ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-тамҳид ли қоваидит-тавҳид / таҳқиқ Усмон Орқач. – Истанбул: Erenler vakfi, 2021. – 248 б.
2. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид / таҳқиқ Абдулмажид Туркий. – Байрут: Дор ғарб ал-ислҳий, 1995. – 260 б.
3. Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. Ат-Тамҳид ли қоваид ат-тавҳид / таҳқиқ Аҳмад Фарид Мизиядий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2007. – 160 б.
4. Уватов У. Сайфиев Х. Абу Муин Насафий ҳаёти ва илмий мероси. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2018. – 264 б.
5. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020. – 517 б.
6. Доктор Мустафо Шакъа. Буюк имом Абу Ҳанифа Нўъмон. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2019. – 136 б.
7. Абу Шакур Солимиё Кеший. Ат-Тамҳид фи баънит тавҳид / Таржимон: С.Примов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – 628 б.
8. Муҳаммад Зоҳид Қутқу. Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди / Таржимон: Мирзо Кенжабек. – Т.: Мовароуннаҳр, 1999. – Ж 2. – 224 б.
9. Оқилов С. Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва мотуридия таълимоти. – Т.: Hilol-Nashr, 2020. – 344 б.
10. Ismail Şik. Hanefi-Maturidi Gelenegin Usulu'd-Din Anlayışı. – Анқара: Asil yayın dağıtim, 2009. – 260 б.
11. G'ulomov A. Faith and issues related to it in Mahmud Lamishi's Tamhid // The Light of Islam: Vol. 2021: Iss. 3, Article 4. – P. 33-42.